

1996 йилнингиз муъорак бўлсин!

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Жаҳалқ сўзи



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

1 январь, душанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 1 (1254)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!
Аввало, барчаңизни киб
риб келатган янги йил билан
чин қалбимдан табрик
лашга ижозат бергайсиз.

Эски йилни узиб қол
лаётган ҳар бир инсон, бў
либ ўтган воқеаларни, ўз бо
шига тушган ҳаёт таъвиш
ларини эсга олади, тошу та
рози қилади.

Яратганимиздан янги
йилда ўзининг, оиласининг,
қариндош-уруғларининг, дў
ст-биродарларининг бахти
ни, эл-юртимиз тинч ва о
мон бўлишини сўрайди.

Ҳар қайси инсон шу
ҳаётдан катта-катта эзгу
умидлар билан яшайди. Ҳеч
ким туғилганда миллат ва
Ватан танламайди, аммо
киндик қони тўқилган ери
миз меҳру муҳаббати илк
нафас билан жисму жони
мизга кирди. Биз умр бўйи
шу меҳр билан яшаймиз, шу
муҳаббатни улуғлаб, фарза
ндларимизга муқаддас мерос
қилиб қолдирамиз.

Бир сўз билан айтганда,
эл-юрт ободлиги, Ватанин
г қудрати, фарзандлар ка
моли ва ватандошлар са
одатини кўрмоқ ораузи — ҳар
бир тоза ниятли, йилмони
пок инсон ҳаётининг маз
мунидир.

Мана тўрт йилдирки, биз
ана шундай юксак ороу-мақ
саллар билан яшаб, муъта
бар юртимизнинг фаровон
келажаги пойдеворини кўр
моқдамиз. Холисона сарҳ
соб қилиб айтганда булсақ,
мўлжал этилган режаларга
эришиш учун анча ишлар
ни амалга оширдик. Кўчи
мизни, ақл-заковатимизни,
фидакорона меҳнатимизни
шунга бағишладик. Шўкро
налар бўлсинким, қилган



ишларимиз, чеккан заҳмат
ларимиз энди-энди ўз ҳо
сидини бера бошлади.
Утаётган 1995 йилни кўз
ўнгимиздан ўтказар экан
миз, ўлкамиздаги тинчлик,
барқарорлик ва осойишта
ликни қадрлаш зарурлиги
ни яна бир бор англаймиз.
Бизнинг ҳаётимиз тинимсиз
меҳнат билан, ўзаро ҳамжи
ҳатлик ва муроа, меҳр ва
оқибат, бунёдкорлик ва
ободлик руҳи билан ўтмоқ
да.
Янги йил арафасида хал
қимизга, ёшу қари, эркак

бир инсон учун юксалиш,
ўсиш йили бўлмай.

Ўзаро ҳурмат-иззат, баг
рикенлик, дўстлик ва ҳам
корлик туйғулари қарор то
пган юртимиздан тинчлик ва
осойишталик, файзу барака
асло кўтарилмасин.

Эски йилни кузатиб, ян
ги йилга қадам қўяётган ҳар
қайси оила, ҳар қайси одам
муқаррар тарзда ўтганларин
г руҳи покларини ёдлаши
— халқимизнинг энг муъта
бар фазилатидир. Умуман,
шундай эзгу донларда му
қаддас қадриятларни, буюк
аждодаларнинг руҳи покла
рини эсламоқ хайридир.
Наслу насабини, ажлоллар
васиятини унутмаган халқ
муқаррар тарзда саодатга
эришади.

Ватандошларимизнинг
хоҳиш-иродаси билан 1996
йил Амир Темур йили деб
эълон қилинди. Келгуси йи
ли у муъорак зот тавалду
дининг 600 йиллиги ер юзи
да кенг нишонланади. Ишо
наманки, бу байрам Ўзбе
кистоннинг буюк тарихи ва
буюк келажакни дунёга на
моиш этадиган улкан во
қеа бўлади. Ишонаманки,
улуғ соҳибқироннинг мар
дона руҳи бизни ҳамиша ўз
ҳимоятда сақлайди, янги
йотуқ ва зафарларга чор
лайди.

Азиз ватандошлар!
Ушбу табарруқ айёмда
ҳар бирингизни чексиз ме
ҳр-муҳаббат билан табрик
лаб бағримга босаман. Ян
ги йилнингиз кутлуг бўлсин,
барчамизнинг дилимиздаги
олижаноб ниятларимиз
руёбга чиқсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

1995 йилни кўз ўнгимиздан ўтказар экан
миз, ўлкамиздаги тинчлик, барқарорлик ва
осойишталикни қадрлаш зарурлигини яна бир
бор англаймиз. Бизнинг ҳаётимиз тинимсиз
меҳнат билан, ўзаро ҳамжиҳатлик ва му
роса, меҳр ва оқибат, бунёдкорлик ва обод
лик руҳи билан ўтмоқда.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги йилнингиз билан самимий қутлайман!

Аркад ГЕНЦ,
Венгрия Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сизга оиламиз номидан янги йилнингиз ба
хт-саодатли, тинч-осойишта ва баракали ке
лишини қизгин тилаб қоламиз.

ХУСЕЙН Бини Талав,
Иордания Хотимийлар қироллиги подшоиси,
Нур ал-ХУСЕЙН, малика.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Янги 1996 йилда Сизга энг қутлуг эзгу
ниятлар ҳамроҳ бўлсин.

Филиппе Гонсалес МАРКОС,
Испания Қироллиги Вазирлар Кенгашининг Раиси.

НАФАҚАТ КАТТА ШАРАФ, БАЛКИ УЛКАН МАСЪУЛИЯТ ҲАМ

БУГУН «ХАЛҚ СЎЗИ» ГАЗЕТАСИНING ЧОП
ЭТИЛА БОШЛАНГАНИГА БЕШ ЙИЛ ТЎЛДИ

Мустақиллигимизнинг тенгдоши ҳисоблан
миш ушбу газета ана шу қисқа давр мо
байида машаққатли, мураккаб йўлни бо
сиб ўтди.

Президентимиз, парламентимиз ва ҳукулатимиз
сиёсатини, ислохотларнинг туб моҳиятини халққа
етказиш борасида қўлимиздан келган барча юмуш
ларни амалга ошираямиз. Шунингдек биз ҳақ сў
зни айтиш, ислохотларга гов бўлаётган иллатларни
фош этишда, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда
куйиб-ёниб тер тўкишадиган инсонларнинг юмуш
ларини кенг жамоатчиликка ҳикоя қилишда бети
ним изланаёмиз. Хуллас, газетамиз ўз кўёфасини,
услубини, ўз ўқувчисини топмоқда. Утган йили
«Халқ сўзи» обуна бўйича биринчи ўринни эгалла
гани бизни ниҳоятда шодлангандир. Бу йилги обу
нада ҳам биз биринчи ўринга чиқдик.

Албатта, ҳали мукамал газетга айланиш учун
жуذا кўп ишларимиз, изланишимиз лозим. Яқин
да Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йилгишда
Президентимиз мамлакатимиз оммавий ахборот во
ситалари давр талабидан ортда бормоқда деб таъкид
лади. Бу — «Халқ сўзи»га ҳам тааллуқлидир, албат
та. Биз ана шу танқиддан тегишли хулоса чиқариб,
1996 йил учун режалар ишлаб чиқдик.

«Халқ сўзи»нинг тимсоли республикамиз байро
ғи, мадҳияси, герби ва буюк соҳибқирон Амир Те
мур таъсирдир. Ширинимиз эса — «Ўзбекистон —
келажаги буюк давлат». Бу биз учун нафақат катта
шараф, балки зиммамизга улкан масъулият ҳам юк
лайди.

Азиз ўқувчиларимиз, кириб келатган янги 1996
йилнингиз муъорак бўлсин! Биз «Халқ сўзи» газет
си бу йил ҳам ҳар бирингизнинг энг яқин дўсти
гиз, маслаҳатчингизга айланиб қолиши учун ҳар
кат қиламиз. Лекин қарс икки қўлдан чиқали, Ўзбе
кистоннинг, бу кўп жиҳатдан сизларнинг фаолли
ларингизга ҳам бевосита болиқ. Биз сизлардан т
ли-туман мавзуларда хатлар, таклиф-мулоҳазалар к
тамиз.

«Халқ сўзи» жамоа

МАДАДКОРИНГИЗ БЎЛАЙ

Менким, бир шоирингиз, қолаверса, ноибин
нима ҳам дердим-а...

Онам қавмида бўлсангиз фарзандингиз, отам ба
сангиз мададкорингиз бўлай. Синглим бўлса
ака, набирам бўлсангиз бир бобо, хулласки, энг
шажарадаги жами эзгу-ниятларнинг барчасини
ларга тилайман. Зеро, шажара йиғилиб хал
ди. Халқнинг сўз айтгуви минобари эса «Халқ
зи» деб аталмиш газета бўлади. Энг яхши
баробаринда янги йилнингиз соҳибқирон Тем
ратларининг таваллуд йиллари эканлигини ҳам а
моқчиман. Ушбу тўй ҳам муъорак бўлсин азиз ю
дошларим — буюк Темур салтанатининг ворис
ри!

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири.

«ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ»

30 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган
«Ўзбекистон — ватаним маним» мавзусида
кўшиқлар кўрик-танловни ўтказиш ташкилий
қўмитасининг йиғилиши бўлди. Унда танлов
ни ўтказишга масъул вазирлар, идора ва
ташкилотлар, қоманя ва уюшмалар, ом
мавий ахборот воситалари раҳбарлари,
санъаткорлар қатнашди.

Йиғилишни республика Бош вазирининг бир
ринчи ўринбосари Имомил Жўрабеков бошқар
ди.

Йиғилишда кўрик-танловни ўтказиш бўйича
мутасадди раҳбарларнинг жойларда танловнинг
бориши, уни юқори сўвбада ўтказиш учун амал
га ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисидаги ах
боротлари тингланди.

Сузга чиққанлар республика Вазирлар Маҳ
камасининг «Ўзбекистон — ватаним маним» мав
зусида кўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш тўғ
рисидаги қарори мамлакатимизда истиқлол, Ва
тан мавзусида яратилган бадий етук кўшиқ
ларни саралаш, қолаверса, ижодкорларни ана шу
муқаддас мавзуларда инги-янги асарлар ёзишга
рағбатлантириш борасида кенг имкониятлар яра
тилган муҳим ва ибратли ҳужжат эканини таъкид
ладилар.

Йиғилишда кўрик-танлов мавзусидаги куй-қ
ушиқларни яратиш борасида ижодий мусобақани
янада жонлантириш юзасидан зарур чора-тадбир
лар белгиланди.

Йиғилишда республика Президентининг Дав
лат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Бош вазир ўринбо
сари С. Саидқосимов Иштирок этди.

(Уш).

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг тўрт йиллиги
муносабати билан республика Президенти Фармонига
биноан кўп йиллик самарали меҳнати, ижтимоий ҳаёт
даги филол иштироки ва иқтисодий ислохотларни амалга
оширишдаги катта хизматлари учун бир гуруҳ ишлаб
чиқариш илгорлари, фан, маданият, маориф, адабиёт ва
санъат мамондolari ватанимизнинг ордени, медал ва
фахрий унвонларига сазовор бўлган эди.

Янги йил арафасида
жойларда ана шу юксак му
кофотларни топшириш ма
лросимлари бўлиб ўтди.

Президентнинг Давлат
маслаҳатчиси Хайрулла
Жўраев халқ артисти Ха
лима Носирова ва халқ

ёзувчиси Асқад Мухторга
«Дўстлик» орденларини
топширди.

Маданият ишлари ва
зирлигида ҳам ана шундай
тадбир ўтказилди. Унда му
кофотларни маданият иш
лари вазири Эркин Ҳайит
боев топширди.

1995 йилда маданият,
айниқса, театр санъати со
ҳасида бирмунча муваффа
қиятлар қўлга киритилди.
Халқаро театр фестивалла

ри ўтказилди, ижодий жа
моаларимиз хоризда бў
либ, ўзбек театр санъатини
намоиш этиб қайтишди.
Бу ишларда юксак муко
фотларга сазовор бўлган
санъаткорларимизнинг
хиссаси катталарди.

Мукофотланганлар ижод
аҳлига кўрсатилган
эътибор ва гамхўрлик учун
республика Президентини
ҳамда ҳукулатига мионат
дорлик билдирди.

(Уш).

Акс-садо

ДИЛИМИЗ ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

Президентимизнинг «Аҳолининг омонатларидаги
ва давлат сугуртаси бўйича пул маблағларини ин
дексация қилиш тўғрисида»ги Фармони пул қув
ончига тўлди.

Мен бу Фармонни хал
қ тўғрисида жон
куйдирш, оддий ме
наткашлар ҳақидаги
чинакам гамхўрлик деб
биламан. Собиқ Итти
фоқ даврида одамлар
пешона тери явазига
топган жамгармалари

ни омонат кассаларига
қўйган бўлиб, бу пул
ларнинг тақдирини киши
ларни ташвишлантир
гани ҳеч кимга сир
эмас. Мана уша муам
монинг ечими топилди.
Иқтисодий юксалишини
нг илк давридаёқ гам

хурлигининг олий наму
наси кўрсатилди!

1992 йилга қадар
омонат кассага пул
қўйган омонатчиларга
нисбатан адолатнинг
тиклангани — бундан
кейинги йиллардаги
ижтимоий сиёсатнинг
муҳим йўналишлари
дан биридир.

Даврининг мураккаб
лигига, молчиий им
кониятларимиз чек
ланганига қарамай, ҳу

кулатимиз бу долларб
лазифаларни ҳал этиш
лозим деб ҳисоблади.
Бунинг учун аҳолининг
омонатларини бу
гунги пул қийматида
келиб чиққан ҳолда
қайтадан ҳисоблаб,
1996 йилдан бошлаб
уларга бу пулни тулаш
учун маблағ масалала
ри қидириб топилди.

Зеро, ҳар бир киши
нинг уан ҳамда оила
си таъминоти ва ра
нақини уйлаб қилин
ган бу иш ҳар қанча
таҳсинга лойиқдир.

Музаффар САҒАРОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси,
Тошкент.

1996 йил одамларимиз учун ўзбекистоннинг шу баракали заминда ҳар бир инсон учун фаровонлик



1995 йилнинг муҳим воқеалари соҳномаси

5 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти «Хусусий тadbirkорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида» Фармон чиқарди.
9 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕҲҚТ) Бош котиби Вильгельм Хойникни қабул қилди.
11-12 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов расмий ташриф билан Польша Республикасида бўлди.
27 январь — 1 февраль. Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов Швейцариянинг Давос шаҳрида ўтказилган Умумжаҳон иқтисодий анжуманининг аъёнани уюштурувчи қатнашди.
15-17 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Корея Республикаси Президенти Ким Ен Самнинг таълифига биноан, давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлди.
9 февраль. Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов Алматыда ўтказилган МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувида иштирок этди.
23-24 февраль. Биринчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси ўтказилди.
12 март. Дания пойтахти Копенгагенда ижтимоий тарққийёт масалаларига бағишланган Олий даражадаги учрашувда 130 дан ортиқ давлатлар ва ҳукуматларнинг ҳамда халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди.
15 март. Тошкентда галларкорларнинг республика куртулоғи бўлди.
21 март. Ўзбекистон халқ Наврўзи зўр шодиёналар билан нишонилди.
26 март. Республика Олий Мажлисининг мажлис Президенти ваколатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш буйича умумхалқ Референдуми ўтказилди.
30-31 март. Республика Президенти Ислам Каримов давлат ташрифи билан Малайзия Республикасида бўлди.
10 апрель. Индонезия Республикаси Президенти Сулоҳман Рабатнинг таълифига биноан, давлат ташрифи билан Индонезия Республикасида бўлди.
13 апрель. Германия Федератив Республикаси Президенти Роман Герднинг таълифига биноан, давлат ташрифи билан Германияда бўлди.
15 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида «Давлат ва ижтимоий ҳаётда академикларнинг аҳоли иштироки тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори чиқарди.
15 май. Биринчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси бўлиб ўтди.
15 май. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан 1996 йилнинг 1-25 май. Қозғоғистонда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан бўлиб ўтди.

... Мустақил республикамиз учун янги 1996 йил иқтисодий ривожлантириш ва халқ фаровонлигининг юксалиши учун шарт-шароит яратиш томон бурилиш йили бўлиши керак, деб ишонч билан айта оламиз. Яъни ҳаётимизнинг барча соҳаларида миқдор ва сифат кўрсаткичларини ошириш билан боғлиқ янги вазифаларни бажаришга ўтадиган пайт келди.



Эл назарига тушган кишилар

Қувасойлик тadbirkор Набижон Маҳмудов ишбилармонлиги учун элас, балки меҳр-муруввати тўғрисида элнинг назарига тушди, юртининг олқишига сазовор бўлди.

Эндигина элликка қалам кўйган Набижон 1992 йили Қувасойда «Шарқ» фирмасини ташкил қилди. У асосан республикамиз қурилиш индустриясининг йирик марказларидан бири бўлган, Қувасойдаги қорхоналарга ҳамдўстлик мамлакатларидан ҳам ашё келтириш билан шуғулланиди. Уша йиллари Россия ва бошқа жойлардан хомашё келишида узилишлар рўй берган эди. Ана шу тақдирнинг урнини Набижон ташкил қилган шахсий қорхона тўлариб турди. Тез орада фирма Бекобод, Оҳангарон, Ангрэн шаҳарларидаги қорхоналарини ҳам хомашё билан таъминлай бошлади. Масалан, 1993 йилда «Имкон-ЛТД» хусусий фирмаси деб атала бошланган сунг Қувасой цемент комбинатида 3 минг 500 тонна, Бекобод цемент комбинатида 3 минг тоннадан зиёд хомашё келтириб берилди.

Қувасойликлар Маҳмудовлар оиласини жуда яхши билишади. Бу хонадоннинг асосчиси Маҳмуд маҳсум саволи, тadbirkор киши бўлишига эришган ҳам эл назарига тушган эди. Унинг ўғли Набижоннинг отаси Мухторжон ҳожи тоға эса нафақат катта оилани сардорлига бўлиб

қолмай, балки меҳр-мурувватли, хайр-эҳсонни хуш кўрадиган кишилардан биридир. Бу оилада 9 та фарзанд камол топиб, эл-юрт хизматида қамарбаста бўлди. Оиланинг тўнғичи Набижон эса ўз сулоласи аъёнларининг давом эттириб, бутунни қанда эл оғизига тушди. Фақат шунгина эмас, Мухтор ҳожи оталар хонадонини урушдан кейинги йилларда иккита етим болани асраб, парвариш қилган. Ҳозирги кунда ана шу етимлар ўйлажойди, биринчи навбатда Маҳмудовлар хонадонига эҳтиром бажо келтиришади.
Набижоннинг меҳр-муруввати тўғрисида бўлган Валдик қишлоқдаги янги мактабда 400 дан ортиқ болалар тарбия оляпти. Мактаб замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган. Елик спорт зали, чўмилш ҳаваси ишлаб турибди. 18 та замонавий компьютер урнатилган синф хонасида болаларнинг оёғи ариқилган. Ҳали мактаб қурилиши тўла ниҳонига етказилган йўқ. Ҳозиргача тadbirkор Набижон Маҳмудов бу қури



НАБИЖОННИНГ МАКТАБИ

МАҲАЛЛА ЯРАТУВЧИ КУЧ

Ўзбекистон «Маҳалла» жамағатиси бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Олий Мажлисининг депутати Шукур ТЕМУРОВ билан суҳбат

Шукур Темуров, мана бугун янги — 1996 йилнинг биринчи кунига қадам қўйди. Муестабилликнинг 4 йили орда қолди. Ушбу қисқа фурсат ичида мамлакатимиз асра таттулик йўлини босиб ўтди. Маҳаллалар ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда катта ўрни тута бошлади.
Маълумки, инсон ҳаёти файласуфлар томонидан тинмай ўрганилади. Лекин унинг ниҳонига ҳали ҳам нуқта қўйилгани йўқ. Бизнинг халқимиз азалдан ўтроқ бўлганлиги, ўзаро бирлашишга интилиб яшаганлиги натижада маҳалла деган муқаллас тушунча, пайдо бўлган.
Маҳалла бугун бир халқнинг ўтмишини ҳозирги кун билан боғланган ҳолда кишиларнинг ижтимоий-сиёсий онги ва маънавий камолати учун мақбул йўлларни қилириб топишга интилувчи гушадир. Одамларнинг маълум бир ҳудуд доирасида яшаш жойига эмас, балки ҳар бир оила, ҳар бир инсоннинг дунёқарашини, ҳаёт йўлини шаклландирган муқаллас даргоҳдир.
Маҳалланинг яна бир тарбиявий аҳамияти шундаки, унда миллатчилик, маҳаллийчилик каби иллат ва кайфиятлар мутлақо йўқолади. Ҳар бир миллатнинг тили, миллий қадрияти, урф-одат ҳамда аъёнларига ҳурмат билан қаралиди.
Маҳалла — аҳилик оиласи деган иборатнинг маъноси ва маънаси ҳам мана шундан иборат.
Ўзбекистон Республикаси Конституциясида маҳалла тўғрисида махсус мола бор. Шунга мувофиқ жамиятимизда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун амал қилапти.
Маҳалла оқсоқоллари ва қотибларига маош белгиланганлиги, маҳалла фаолларидан 120 га яқин кишининг мухофизат биринчи бор давлат мухофизатига сазовор бўлганлиги, маҳалла вакиллари Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга депутат қилиб сайлангани, республика «Маҳалла» хайри жамағатисининг тузилганлиги давлатимиздаги жамият асосини ташкил этувчи маҳаллага бераётган эътиборнинг яққол белгилидир.
Президентимизнинг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашга доир тadbirkорлар тўғрисида»ги 1994 йил 23 август Фармонида кўра ижтимоий ёрдамнинг маҳаллалар орқали берилаётгани маҳаллаларга нисбатан катта ғамхўрлик, ишонч ва ҳурматнинг ҳаётий



НАБИЖОННИНГ МАКТАБИ

қолмай, балки меҳр-мурувватли, хайр-эҳсонни хуш кўрадиган кишилардан биридир. Бу оилада 9 та фарзанд камол топиб, эл-юрт хизматида қамарбаста бўлди. Оиланинг тўнғичи Набижон эса ўз сулоласи аъёнларининг давом эттириб, бутунни қанда эл оғизига тушди. Фақат шунгина эмас, Мухтор ҳожи оталар хонадонини урушдан кейинги йилларда иккита етим болани асраб, парвариш қилган. Ҳозирги кунда ана шу етимлар ўйлажойди, биринчи навбатда Маҳмудовлар хонадонига эҳтиром бажо келтиришади.
Набижоннинг меҳр-муруввати тўғрисида бўлган Валдик қишлоқдаги янги мактабда 400 дан ортиқ болалар тарбия оляпти. Мактаб замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган. Елик спорт зали, чўмилш ҳаваси ишлаб турибди. 18 та замонавий компьютер урнатилган синф хонасида болаларнинг оёғи ариқилган. Ҳали мактаб қурилиши тўла ниҳонига етказилган йўқ. Ҳозиргача тadbirkор Набижон Маҳмудов бу қури

Ислоҳот фидойилари ДЕНОВЛИК РАИС

Эшмурод Хўжамбердиевнинг Денов туманидаги III Қобилов номи жамоа хўжалигини бошқариётганига ўн йилдан ошди.

Бу орада вақоланки, кўп гаплар бўлди — биргина Денов туманининг ҳокими (биринчи секретари) бир неча марта алмашиб кетди, аммо Эшмурод ака «килт» этмай ишлапти. Нега? Аслида бу савол уринсиз — мўйини вазифага тайинланган (сайланган) раҳбар билдирилган ишончнинг оқлиши, талаб этилган даражада меҳнат қилиши керак. Аммо, афсуслар бўлисини, унинг аравасини тор-толмайдиغان раҳбарлар ҳам бор. Бирон-бир тadbirkор, ишбилармон — қувватини ҳалоллик билан жамоа манфаатлари йўлига сарфлайдиган бошлиқни учратиб қолсангиз хурсанд бўлиб кетасиз.

Кўп йиллардан бери мен Эшмурод акани кузатиб бир нарсани англаганман — у ўзини аямасдан ишлапти. Узок умр кўриш ниятида, ҳатто, овозини баландлатмасдан кун ўтказиб юрган айрим раҳбарлар замонда бундай одамлар кўзга иссиқ кўринади.
Бундай мулоҳазалар қуруқ бўлмаслиги учун ҳўжалик фаолиятдан айрим рақамларни келтираман. Бу йил 1,5 минг тонна галла тайёрланди. Ҳосилдорлик 29 центнер! Бу — кам. Аммо Добил Маматқулов, Йўлдош Мирзаев, Оқбой Қобилов сингари галлакорлар ҳосилдорлиги 44 центнерга етказишди. Туртта далада эса ҳосилдорлик

табиий газ ёнмоқда. Сўнги йиллардаги тақчилликлар шартинда бундай ишларни уйдлаш учун қанчалар қувват (иқтисодий) қўйиши мени айтмасдан ўзингиз ҳам билиб ўтириб-сиз.
Биз баъзан ўзимизни аямасдан ким билар эди деб ўйлаймиз ва... ҳозир ишчи-хизматчилар Эшмурод аканинг гайрат билан ишлагани нафақат ёндагилар, балки туман раҳбарлари, хусусан туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Тилла Менглиев ҳам билар экан. Гап шундаки тўқсон бошинчи йилнинг қузида ҳокимнинг танбехлари қуқлашди: иш устида баъзи раҳбарлар отасидан эшитмаган гапларни эшитди. Аммо, Эшмурод ака бундай танбехлардан четда қолди. Демак ҳоким ҳам у кишининг жонинг жаббора бериб ишлаётганини қўриб ту

«ТУРКИСТОН»ДА ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ



Пойтахтнинг мухташам «Туркистон» саройида 30 декабрь кун...

кайлари қорбобо кутиб олди ва байрамнинг ёш иштирокчиларини рангоранг ўйинчоқлар билан безатилган арча атрофида куйлаб, рақс тушишга таклиф этди.

тузилган мазкур янги йил томошасида Ўзбекистон эстрада ва санъати юлдузлари — Фаррух Зокиров, Кумуш Раззоқова, Обид Асомов ва бошқа таниқли санъаткорлар ўз чиқишлари билан ёш томошабинларни хушнуд этдилар.



ажойиб совғалар улашилди. «Туркистон»да янги йил байрами тadbирлари 10 январьга давом этади.

СУРАТЛАРДА: байрам томошасидан лавҳалар. А. РИСКИБЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ СПОРТЧИЛАРИ

Анъанага кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси спорт жамоатчилиги фикрларини ҳисобга олиб, 1995 йил Ўзбекистоннинг энг кучли спортчиларини эълон қилди.

си, 1995 йил Осиё чемпиони, жаҳон чемпионатининг бронза медали совриндори, боксчи Далшод Ёрбеков йилнинг энг яхши спортчиси деб эътироф этилди.

Евгений АСТАНИН — 1995 йил байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Осиё чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси; Шухрат АХМЕДОВ



— 1995 йил мерганлик бўйича Осиё чемпионати кумуш медали совриндори, биринчи Марказий Осиё ўйинлари чемпиони, хизмат кўрсатган спорт устаси; Рустам ҚОСИМЖОНОВ




пионати кумуш медали совриндори, халқаро тоифадаги спорт устаси; Анвар КУЧМУРОДОВ



— енгил атлетика бўйича 1995 йил Осиё чемпионати кумуш медали совриндори, халқаро тоифадаги спорт устаси; Зарифа ПАТҲИДИНОВА



— чим хоккей бўйича Осиё чемпионлар кубоги учун 1995 йилги мусобақа бронза медали совриндори, Ўзбекистон чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси; Олег ПУХНАТИЙ



— сүзиш бўйича 1995 й. Осиё ва Океания чемпиони, 1995 йил жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори, халқаро тоифадаги спорт устаси; Дмитрий СОЛОВЬЁВ



— дзюдо бўйича 1995 йил Осиё чемпионати кумуш медали совриндори, халқаро тоифадаги спорт устаси; Руслан ХИНЧАГОВ



— эркин кураш бўйича 1995 йил жаҳон чемпионати бронза медали совриндори, халқаро тоифадаги спорт устаси; Олег ШАЦКИХ



— Наманганнинг «Навбахор» футбол командаси ҳужумчиси. (ЎЗА).

ШАҲЗОДА ФИЛИПНИНГ ҲАДЯСИ

Самарқанддаги тинчлик ва бирдамлик халқаро музейи ходимлари Буюк Британия қироличаси Елизавета IIнинг турмуш ўртоғи, Эдинбург герцоғи, шаҳзода Филиппдан ҳадя олинди.

У музейга ўзининг дастхати битилган «Ер сари» деб номланган китобни йўллабди.

Шаҳзода Филипп табиати асраш бутунжапониянинг раҳбарлари ашхур эколог сифатида таниқлидир. У 50-йилларнинг бошларидаёқ атроф-муҳитни асраш, табиат гузаллигини нематларидан келгуси авлодларни ҳам баҳраманд қилиш гояси билан чиққан эди.

М.МУҚИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ЎЗБЕКСАВДО»НИНГ БАЙРАМ ДАСТУРХОНИ

Халқимиз эъзозлайдиган қутлуғ саналар кўп. Ана шулар сирасига янги йил байрами ҳам қиради. Албатта, янги йил дастурхони тўқин-сочиллигини таъминлаш савдо ходимларининг хизматларига ҳам боғлиқ.

— «Ўзбексаудо» уюшмаси ва унинг жойлардаги қўйи ташкилотлари, савдо ва умумий оқатланиш корхоналари янги йил байрамига ҳозирлик кўришни аллақачон бошлаб юборишган эди.

Республика «Маданий моллари» ҳиссадорлик бирлашмаси «Семург», «Ферконд», «Ўзпластитал» корхоналаридан сунъий арча ва арча ўйинчоқлари сотиб олиб, савдо корхоналарига етказиб бермоқда.

— Янги йил таътиллари-

ни кўнгилдагидек ўтказиш учун болаларни қандай совғалар кутмоқда?

— Уюшманинг озиқ-овқат бошқармаси болаларга янги йил совғаларини тайёрлаш мақсадида «Ўзозик-қовқатсаноат» уюшмаси корхоналарига 2 минг 500 тонна, «Ўзлонмаҳсулот» корпорациясига 50 тонна, «Ўзузуммевасабзотсаноат» уюшмасига 75 тонна шакар ажратди.

«Ўзсаудо» уюшмаси ҳиссадорлик жамияти болалар совғаси учун 400 минг дона янги йил қоғоз халталари тайёрлади.

— Янги йил таътиллари-

БОЛАЛАРГА СОВҒАЛАР УЛАШИЛДИ

Самарқандда катта арча байрами ўтказилди. Шу муносабат билан Хамид Олимжон номидаги Ўзбек давлат мусикали драма театри майдони байрамона тус олди.

Шу йил ҳам 29 декабрдан бошлаб соат 12 дан 16 гача шаҳарнинг барча туман марказлари, Алишер Навоий номидаги театр майдони, Сайилгоҳ кўчаси, саноат корхоналари худудлари, ўқув муассасаларида турли хил қандолатчилик маҳсулотлари, ширинликлар ва бошқа умумий оқатланиш маҳсулотларининг кўрсатмалари ташкил этилади.

Қаҳвахона ва ресторо-ларда янги йил тантаналарини кўнгилдагидек ўтказиш учун ташкилотлар, меҳнат жамоалари ҳамда аҳолидан буюртмалар қабул қилинмоқда.

«Халқ сўзи» мухбири Фулом ЮСУПОВ сўхбатлади.

КУРҒАЗМА УСТОЗ-ШОГИРДА АСАРЛАРИ

Тошкентда Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзаев ва шогирди Ҳикмат Жалиловнинг ижодий кўрғазмаси бўлиб ўтди.

Кўрғазмадан устоз-шогирдининг бир йил давомида яратган 80 га яқин асари ўрин олди. Алишер Мирзаевнинг «Оқтош бўйида», «Крим оромтоғи», «Тондаги ўйлар» каби ранг-тасвирлари болалар тасаввурини бойитса, Ҳикмат Жалиловнинг «Тондаги йўл», «Қафасдаги қуш» сингари сир-синоатларга бой асарлари эса уларни ҳаёлан узок-узокларга «етақлайди», фикр-мулоҳазага чорлайди.

У. ДУСТЕР, «Халқ сўзи» мухбири.

МАТБААЧИЛИК ЧОРАК АСРЛИК ДАРГОҲ

Марказий Осиёда ягона бўлган Тошкент матбаа техникуми 1970 йили ташкил топган. Шу кунгача бу ерда 4700 дан ортиқ мутахассис тайёрланди.

— Янги пайтда кундузги бўлимда 262, сиртқи бўлимда 140 нафар талаба таъсил олмақда. Улар халқ хужалиғи тармоқларида иқтисодий ва режалаштириш, китоб товаршунослиги, матбаа машиналари ва ускуналарига техникавий хизмат кўрсатиш ва соғлаш, чоп этиш ишлари, босма қоллипларни тайёрлаш ҳамда рисола ва муқова ишлаб чиқариш соҳаларида ишлайдиган ишлардир.

нет ва 5 та лаборатория хонаси бор. Махсус фанлар бўйича 10 та тугарак ишлаб турибди. Ишлаб чиқариш практикалари Тошкент шаҳрининг йирик матбаа корхоналарида, «Шарқ» нашриёти матбаа концернида, Ташполаграфкомбинат ижара корхонасида, 1-босмахонада, «Фан» нашриёти босмахонасида ва «Ташкитоб» савдо бирлашмасининг китоб дўконларида ўтказилади.

Техникумда 17 та каби-

вофиқ китоб товаршунослиги ва чоп этиш ишлари мутахассисликлари учун исқита янги дастур тузилди. Шу кунларда 2000 йилгача мутахассисларга бўлган талабни урганмоқдамиз. Қатор корхоналар билан шартномалар тузилмоқда.

Хуллас, бу йил унинг 25 йиллигини нишонлаётган техникум бундан буён ҳам матбаа соҳаси ривожига катта ҳисса қўшаверади.

И. УЗОҚБОВ, техникум директорининг ўринбосари.

«ҒАЛЛАБАНҚ»НИНГ

Банк Кенгаши ва Бошқаруви ҳайъати ўзининг Таъсисчиларини, Мижозларини ва барча Ғаллакорларни кириб келаётган янги 1996 йил билан, молиявий йилни муваффақиятли яқунлаш ва 50 миллион сўмлик фондидан иборат акциянинг иккинчи эмиссиясини тугаллаши билан табриклайдилар.

Ишонамизки, янги 1996 йил иқтисодий ривожланишимизда юксалиш йили бўлади. Янги йилда янги миждозларни кўришдан хурсандмиз.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Лоҳутий кўчаси, 36. Телефонлар: (3712) 56-05-26, 36-11-05, 33-71-72.



МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар Жўрабоев.

БҒУЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Халқлар 33-07-48; Қишлоқ хўжалиғи 36-07-94; Иқтисодийёт 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Аxbорот 36-29-89; Тунги муҳарририят 33-10-28.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — И. Худоберон. Навбатчи — Ҳ. Ҳайдаров.